

Ўзбекистон Республикасида демографик ҳолат

2026 йил январь-июнь ойлари учун

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 7 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 629-сон қарорига мувофиқ, **аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишнинг якуний натижалари 2027 йил 1 июлга қадар** тайёрланиши белгиланган.

Рўйхатга олишнинг якуний натижалари расмий эълон қилинганидан сўнг доимий аҳоли сони белгиланган тартибда, рўйхатга олиш натижалари асосида эълон қилинади.

Шу муносабат билан **2026 йил 1 июль ҳолатига демографик кўрсаткичлар** Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар интеграцияси бўйича шакллантирилди.

- I. Асосий демографик кўрсаткичлар
- II. Доимий аҳоли сони
- III. Туғилганлар ва вафот этганлар
- IV. Никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар
- V. Аҳоли миграцияси
- VI. Демографик кўрсаткичларнинг услубий тушунтиришлари ва метамаълумотлари

I. Асосий демографик кўрсаткичлар

2026 йил 1 июль ҳолатига **рўйхатга олиш натижаларисиз** Ўзбекистоннинг доимий аҳолиси сони **38 519,5** минг кишини ташкил қилди ва бу 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **1,7** фоизга ўсишни кўрсатди. 2026 йилнинг январь-июнь ойларида тирик туғилганлар сони **373,4** минг кишини, вафот этганлар сони **86,9** минг кишини ташкил этди, табиий ўсиш эса **286,5** минг кишига етди. Хориждан келганлар сони **1 649** нафарни, хорижга кетганлар сони эса **5 422** нафарни ташкил қилган. Шу даврда **92,3** мингта никоҳ ва **24,8** мингта ажрим қайд этилди.

Доимий аҳоли сони	38 519,5	минг киши
Туғилганлар сони	373,4	минг киши
Вафот этганлар сони	86,9	минг киши
Хориждан кўчиб келганлар	1 649	киши
Хорижга кўчиб кетганлар	5 422	киши
Никоҳлар сони	92,3	минг бирлик
Никоҳдан ажралишлар сони	24,8	минг бирлик

II. Доимий аҳоли сони


Доимий аҳоли сони шаҳар жойларида **19 608,9** минг кишини (жами аҳолининг **50,9** фоизи), қишлоқ жойларида эса **18 910,6** минг кишини (**49,1** фоизи) ташкил этди. Шундан **19 118,9** мингтаси аёллар (**49,6** фоиз), **19 400,6** мингтаси эркеклар (**50,4** фоиз)дан иборат.

1 июль ҳолатига доимий аҳоли сони, минг киши

	2025 йил	2026 йил	Ўсиш сур'ати, %да
Ўзбекистон Республикаси	37 859,7	38 519,5	101,7
Қорақалпоғистон Республикаси	2 040,7	2 061,5	101,0
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	3 487,9	3 545,4	101,6
Бухоро	2 089,4	2 117,2	101,3
Жиззах	1 551,7	1 579,0	101,8
Қашқадарё	3 673,7	3 745,6	102,0
Навоий	1 103,3	1 118,5	101,4
Наманган	3 158,4	3 213,6	101,7
Самарқанд	4 335,7	4 413,7	101,8
Сурхондарё	2 974,4	3 037,0	102,1
Сирдарё	938,5	952,6	101,5
Тошкент	3 134,1	3 189,5	101,8
Фарғона	4 181,0	4 254,2	101,8
Хоразм	2 045,7	2 079,5	101,7
Тошкент ш.	3 145,2	3 212,2	102,1

Ўзбекистонда 2026 йил 1 июль ҳолатига кўра, мамлакат бўйича аҳоли зичлиги бир квадрат километрга **85,8** кишини ташкил қилди. Бу кўрсаткич 2025 йилнинг мос даври билан солиштирганда **1,5** кишига кўпдир (2025 йил 1 июль ҳолатига 1 кв. кмга **84,3** киши тўғри келган).

1 июль ҳолатига аҳоли зичлиги, 1 кв. км га тўғри келадиган аҳоли сони



Мавзу бўйича кўрсаткичлар:


- [Доимий аҳоли сони \(жами, чораклик\)](#)
- [Доимий аҳоли сони \(аёл, чораклик\)](#)
- [Доимий аҳоли сони \(эркак, чораклик\)](#)
- [Доимий аҳоли сони \(шаҳар, чораклик\)](#)
- [Доимий аҳоли сони \(қишлоқ, чораклик\)](#)
- [Аҳоли зичлиги \(жами, чораклик\)](#)

III. Туғилганлар ва вафот этганлар

Республикада 2026 йилнинг январь-июнь ойларида тирик туғилганлар сони **373,4** минг кишини, туғилиш коэффициенти эса ҳар минг аҳолига **19,6** промиллени ташкил этди. 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 2026 йилнинг январь-июнь ойларида туғилганлар сони **32,1** минг кишига камайди.

2026 йилнинг январь-июнь ойларида қайд этилган ўлимлар сони **86,9** минг кишини, ҳар минг аҳолига тўғри келадиган ўлим коэффициенти эса **4,6** промиллени ташкил этди. 2025 йилнинг мос даврига нисбатан жорий йилнинг январь-июнь ойларида вафот этганлар сони **2,8** минг кишига ошди.


Январь-июнь ойларида туғилганлар ва вафот этганлар сони, минг киши



Кўриб чиқиладиган даврда республика бўйича тирик туғилганлар сони жами **373,4** минг кишини ташкил этди. Шундан **192,9** минг нафари (туғилганларнинг умумий сонига нисбатан **51,7** %) ўғил болалар, **180,5** минг нафари (**48,3** %) эса қизлардир. Уларнинг **182,9** минг нафари (туғилганларнинг умумий сонига нисбатан **49,0** %) шаҳар жойларда, **190,5** минг нафари (**51,0** %) қишлоқ жойларда дунёга келган.

Мазкур даврда республика бўйича вафот этганларнинг умумий сони **86,9** минг кишини ташкил қилди. Шундан **48,3** минг нафари (вафот этганларнинг умумий сонига нисбатан **55,6** %) эркаклар, **38,6** минг нафари (**44,4** %) аёллардир. Уларнинг **47,3** минг нафари (вафот этганларнинг умумий сонига нисбатан **54,4** %) шаҳар жойларда, **39,6** минг нафари (**45,6** %) эса қишлоқ жойларда яшовчилар бўлган.

2026 йилнинг январь-июнь ойларида туғилганлар ва вафот этганларнинг жинслари бўйича тақсимланиши, минг киши



Мавзу бўйича кўрсаткичлар:

[Туғилганлар сони \(жами, чораклик\)](#)

[Туғилганлар сони \(қиз болалар, чораклик\)](#)

[Туғилганлар сони \(ўғил болалар, чораклик\)](#)

[Вафот этганлар сони \(жами, чораклик\)](#)


[Вафот этганларнинг асосий ўлим сабаблари \(жами, чораклик\)](#)

IV. Никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар

Ўзбекистонда 2026 йилнинг январь-июнь ойларида **92,3** мингта никоҳ қайд этилди ва ҳар минг аҳолига нисбатан никоҳ коэффиценти **4,9** промиллени ташкил қилди. Никоҳлар сони 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **3,0** мингтага камайган.

2026 йилнинг январь-июнь ойларида **24,8** мингта ажрим қайд этилди, ҳар минг аҳолига нисбатан ажримлар коэффиценти **1,3** промиллега тенг бўлди. 2026 йилнинг январь-июнь ойларидаги ажримлар сони 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **1,5** мингтага ошган.


Январь-июнь ойларида қайд этилган никоҳлар ва ажримлар сони,
минг бирлик



Республикада қайд этилган никоҳлар сони **92,3** мингтани, шундан шаҳар жойларида **47,2** мингтани (**51,1 %**), қишлоқ жойларида **45,1** мингтани (**48,9%**) ташкил этди.

Ажримлар сони **24,8** мингтани, шундан шаҳар жойларида **14,9** мингтани (**60,1%**), қишлоқ жойларида **9,9** мингтани (**39,9%**) ташкил этди.

2026 йилнинг январь-июнь ойларида қайд этилган никоҳлар ва ажримларнинг шаҳар
ва қишлоқ жойлар бўйича тақсимланиши, минг бирлик



Мавзу бўйича кўрсаткичлар:

- [Тузилган никоҳлар сони \(жами, чораклик\)](#)
- [Тузилган никоҳлар сони \(шаҳар, чораклик\)](#)
- [Тузилган никоҳлар сони \(қишлоқ, чораклик\)](#)
- [Ажримлар сони \(жами, чораклик\)](#)
- [Ажримлар сони \(шаҳар, чораклик\)](#)
- [Ажримлар сони \(қишлоқ, чораклик\)](#)

V. Аҳоли миграцияси


2026 йил январь-июнь ойларида республика бўйича кўчиб келганларнинг жами сони **185 570** кишини, шу жумладан республиканинг бошқа ҳудудларидан кўчиб келганлар **183 921** кишини, хорижий мамлакатлардан кўчиб келганлар **1 649** кишини ташкил этди.

Кўчиб кетганларнинг жами сони **189 343** кишини, шу жумладан республиканинг бошқа ҳудудларига кўчиб кетганлар **183 921** кишини, хорижий мамлакатларга кўчиб кетганлар **5 422** кишини ташкил этди.

2026 йилнинг январь-июнь ойларида кўчиб келганлар ва кўчиб кетганлар сони, киши

	Кўчиб келганлар сони			Кўчиб кетганлар сони		
	Жами	шундан:		Жами	шундан:	
		ички	ташқи		ички	ташқи
Ўзбекистон Республикаси	185 570	183 921	1 649	189 343	183 921	5 422
Қорақалпоғистон Республикаси	8 094	7 979	115	10 331	8 432	1 899
вилоятлар:						
Андижон	7 180	7 169	11	8 534	8 507	27
Бухоро	7 885	7 872	13	10 513	10 454	59
Жиззах	5 515	5 503	12	7 177	7 127	50
Қашқадарё	9 749	9 744	5	14 431	14 410	21
Навоий	9 884	9 853	31	11 604	10 401	1 203
Наманган	3 643	3 630	13	5 385	5 348	37
Самарқанд	10 264	10 242	22	13 215	13 167	48
Сурхондарё	7 368	7 350	18	10 361	10 352	9
Сирдарё	5 045	5 030	15	5 900	5 861	39
Тошкент	27 131	26 862	269	18 878	17 447	1 431
Фарғона	10 671	10 656	15	12 047	12 019	28
Хоразм	8 641	8 620	21	10 612	10 533	79
Тошкент ш.	64 500	63 411	1 089	50 355	49 863	492

Январь-июнь ойларида хориждан кўчиб келганлар ва хорижга кўчиб кетганлар сони, киши



Мавзу бўйича кўрсаткичлар:

[Кўчиб келганлар сони \(жами, чораклик\)](#)

[Кўчиб кетганлар сони \(жами, чораклик\)](#)

VI. Демографик кўрсаткичларнинг услубий тушунтиришлари ва метамаълумотлари

Демографик кўрсаткичларни шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси томонидан Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда тегишли маъмурий ахборот тизимлари ўртасида идоралараро электрон маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилган.

Демографик кўрсаткичларни шакллантириш учун зарур барча маълумотлар интеграция йўли билан электрон шаклда олинаётганлиги сабабли, статистик кузатувнинг алоҳида шакли тасдиқланмаган.

Статистика органлари демографик кўрсаткичларни тавсифловчи маълумотларни шакллантириш учун бошқа давлат органлари (Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги)дан олинган аҳолининг табиий ҳаракати ҳамда миграцияси тўғрисидаги маъмурий маълумотларни қайта ишлайди.

Демографик кўрсаткичлар бўйича расмий статистика маълумотлари қуйидаги маъмурий маълумотлар манбалари асосида шакллантирилади:

- туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви;
- ўлим ҳақида далолатнома ёзуви;
- никоҳ тузилганлиги ҳақида далолатнома ёзуви;
- никоҳдан ажралганлик ҳақида далолатнома ёзуви;
- кўчиб келишни статистик ҳисобга олиш варақаси;
- кўчиб кетишни статистик ҳисобга олиш варақаси маълумотлари.

Фойдали ҳаволалар

[Асосий демографик кўрсаткичларни шакллантиришда фуқаролик ҳолати далолатномалари ва статистик ҳисоб талонлари маълумотномаларини кодлаштириш бўйича қўлланма](#)

[Асосий демографик кўрсаткичларни шакллантириш бўйича услубий низом](#)

